

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) ЮЗАСИДАН НИЗОЛАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-556-563>

Ражабова Карима Қахрамоновна

Тошкент давлат юридик университети магистранти

rajabova.karima@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола маъмурий судлар томонидан сайлов низоларини кўриб чиқишининг процессуал хусусиятларини ўрганишига багишланган. Ўрганиш жараёнида бундай хусусиятларнинг суд ҳимояси самарадорлигига таъсир етувчи ижобий ва салбий томонлари аниқланди. Ўтказилган таҳлиллар асосида муаллиф томонидан процессуал қонун ҳужжатларига ўзгартиришилар киритилиши тақлиф қиласди.

Калим сўзлар: сайлов комиссияси, тааллуклилик, давлат органи, маъмурий орган, маъмурий низо, оммавий низо, сайловга оид низолар, субъект, процессуал муддат.

ХАРАКТЕРИСТИКА СУДЕБНЫЙ ПОРЯДОК ПОРАССМАТРЕНИИ ДЕЛА ОБ ОСПАРИВАНИИ ДЕЙСТВИЙ (РЕШЕНИЙ) ИЗБИРАТЕЛЬНЫХ КОМИССИЙ

Ражабова Карима Қахрамоновна,

Ташкентский государственный юридический университет

rajabova.karima@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена изучению процессуальных особенностей рассмотрения избирательных споров административными судами. В ходе исследования выявлены плюсы и минусы таких особенностей, влияющих на эффективность судебной защиты. На основе анализа автор предлагает внести изменения в процессуальное законодательство.

Ключевые слова: избирательная комиссия, подведомственность, государственный орган, административный орган, административный спор, публичный спор, избирательный спор, предмет, процессуальный срок.

CHARACTERISTICS JUDICIAL PROCEDURE FOR CONSIDERING A CASE ON CHALLENGING THE ACTIONS (DECISIONS) OF ELECTION COMMISSIONS

Rajabova Karima Qakhramonovna,

Tashkent state university of law

rajabova.karima@gmail.com

ABSTRACT

This article is devoted to the study of the procedural features of the consideration of electoral disputes by administrative courts. The study revealed the positive and negative aspects of such features that affect the effectiveness of judicial protection. Based on the analysis, the author proposes to amend the procedural legislation.

Keywords: election commission, jurisdiction, state body, administrative body, administrative dispute, public dispute, electoral dispute, subject, procedural term

КИРИШ

Асосий қонунимиз мұқаддимасыда мустаҳкамланған бош мақсадларимизга эришишимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда демократик талабларға жавоб берадиган сайлов тизими мухим ақамиятта өгадир. Бу эса, ўз навбатида ушбу институт ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб боришни тақозо этади. Мамлакатимизда ушбу әхтиёж сабаб сайлов тизимини ҳуқуқий жиҳатдан босқичма-босқич модернизациялаш борасыда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шу ислоҳотлардан бири фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг такомиллаштирилишидир.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш энг мухим вазифа бўлиб, ушбу жараёнлар давомида мустақил суд тизимининг ўрни ниҳоятда мухим ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимиға бўлган ишончини қатый мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат қўргони”га айлантириш зарур. Зеро адолат халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти бош мезони, инсонпарварликнинг асосий манбаидир [6].

“Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида давлатимиз раҳбари томонидан суд тизимисини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, адолатли судловдан

фойдаланиш имконини ошириш назарда тутувчи қатор вазифалар ўрнатилди. Хусусан, маъмурий судлар томонидан оммавий, моддий ҳукуққа оид ишлар ҳам кўриб чиқилаётганини инобатга олиб уларнинг мақомини янада оширишга зарурати таъкидланди [7].

2021 йил май ойида Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳукуқлари бўйича бюроси томонидан берилган тавсиялари [8] асосида киритилган сайлов қонунчилигига ўзгартириш ҳам айнан маъмурий судлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, киритилган ўзгартиришга асосан Марказий сайлов комиссиясининг сайлов комиссиялари ҳаракатлари ва улар қарорлари юзасидан берилган фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиш ваколати бекор қилиниб, сайлов комиссияларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлигини) ва қарорларини баҳолаш маъмурий судларнинг мутлақ ваколатига киритилди [4], яъни сайлов низоларини ҳал қилишининг параллел имкониятлари бартараф этилди ва маъмурий судлар фаолияти такомиллаштирилди.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, бугунги фуқаролик жамиятини демократлаштириш шароитида мамлакатимизда сиёсий соҳадаги ўзгаришлар янги босқичга кўтарилиб, сайловчилар корпуси янада кенг оммани жалб этмоқда. Бу ва амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг сайловга оид ҳукуқий онгини юксалганлиги англатиб, уларнинг ҳукуқларини ишончли ҳимоя қилишни кафолатлаш билан боғлиқ самарали ишлар олиб бориш заруратини келтириб чиқаради. Албатта, ана шу ҳимоя механизмларидан энг самаралиси судлардир.

Бироқ амалдаги қонунчилигимизда маъмурий судлар томонидан фуқароларнинг сайловга оид ҳукуқлари жуда тор доирада ҳимоя қилиниши белгиланган, яъни фуқаролар фақатгина сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиби мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган сайлов комиссиясининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки қарорларини судда кўришнинг процессуал тартиби ушбу низоларниadolатли, тўлиқ ва ҳолисона ҳал этиш учун етарли эмас. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда фақат битта норма (142-модда) ўрнатилган бўлиб, сўз юритилаётган низоларни алоҳида хусусиятлари ҳисобга олинмаган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Сайловга оид низолар, жумладан, сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиби тўғрисидаги ишларни судда

кўриш масалалари миллий олимларимиз томонидан кам тадқиқ қилинган. Мавжуд таҳлиллар асосан умумий ёндашувга асосланган ва моддий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистонлик олимлардан А.А.Азизхўжаев, С.М.Адилхўжаева, М.Х.Рустамбаев, А.Б.Собиров, А.Х.Сайдов, Э.Х.Халилов, А.С.Турсунов О.Т.Хусанов, М.Хусанова, Ш.Х.Файзиев, М.Хусанова, Н.М.Исмоилов, С.Қосимов, О.К.Турғунов, Ж.Н.Неъматовлар томонидан сайлов ҳамда унга боғлиқ бўлган бошқа норматив хужжатларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган.

И.Хамедов, Л.Хван, И.Цай, И.Алимов, Э.Хожиев, Ф.Ҳакимов томонидан маъмурий судларда суд иш юритувининг айрим жиҳатлари борасида изланишлар олиб борилган.

Хорижий мамлакатларда суд томонидан сайлов низоларини ҳал этишга доир K. Ellena, Е.П.Ищенко, А.Е.Ищенко, Donald P.Kommers, И.В.Галушко, Т.В. Толстухина, А.И.Федин, В.Д.Мостовщиков, Е.П.Ищенко, Н.В. Фадеев, Л.А.Агеева, Л.В. Туманова, Н.Э. Шишкина каби олимларнинг имий тадқиқотлари мавжуд.

Бироқ сайлов низоларини судлар томонидан кўриб чиқиши тартиби нуқтаи назаридан, хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини таҳлил қилган ҳолда ўрганилмаган.

Шу сабабли муаллиф томонидан илмий билишининг тарихий, тизимли, мантиқий (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий, ҳуқуқни кўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиб чиқиши усувларидан фойдаланилган ҳолда ушбу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилинган.

НАТИЖАЛАР

Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва изланишлар натижасида сайлов комиссияларининг ҳуқуқий мақоми ёритилган.

Маъмурий судларга тааллукли сайловга доир низолар доираси аниқлаштирилган.

Сайловга доир низоларни судларга таалуклилик масаласи хорижий тажрибалар асосида ўрганилиб, сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиб билан боғлиқ масалалар билан бирга яна бир қатор фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалага оширишда юзага келадиган низолар оммавий-ҳуқуқий низоларга мансублиги исботланган.

Шунингдек, судлар томонидан сайловга оид низолар қўрилиши алоҳида тоифага кириши, шу сабабли унинг алоҳида процессуал тартиби ўрнатилиши зарурати асослантирилган.

МУҲОКАМА

“Сайлов комиссияси” тушунчасига миллий қонунчилигимизда аниқ таърий келтирилмаган, унинг қонунчиликда белгиланган ва адабиётларда келтирилган тамойиллари, уларга юклатиласкан ваколатлари орқали унга маълум маънода тафсиф беришимиз мумкин.

Бироқ баъзи олимлар қонунчиликда келтирилган ваколат ва вазифалар сайлов комиссиясининг мазмунини тўла очиб бера олмаслигини таъкидлайди. Улардан бири И.Г. Верзилина бўлиб, унинг мазмуни вақт ва маконда турлича амал қилишини таъкидлайди [11]. Ҳақиқатан ҳам сайлов комиссияси турли вакътларда турли функцияларни бажаради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси сайловларида Марказий сайлов комиссиясиси энг юқори сайлов комиссияси бўлса, маҳаллий кенгашларга депутатларни сайлаш жараёнида энг юқори сайлов комиссияси бўлиб, халқ депутатлари вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашлари ҳисобланади, яъни бунда Марказий сайлов комиссиясининг округлар тузиш ваколати тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига юклатилади[2].

Шунингдек, миллий қонунчилигимизда сайлов комиссиясининг давлат органига ёки маълум бир маъмурий органга кириши ёки кирмаслиги келтирилмаган.

Давлат органи давлат аппаратининг бир қисми ҳисобланиб, давлат функциясини амалга оширувчи маълум давлат ҳокимяти ваколатларига эга бўлган, маълум тартибда ташкил этилган идоралардир.

Сайлов комиссиялари бошқа давлат органлари каби давлат-ҳуқуқий белгиларга эга, яъни улар давлат томонидан ўрнатилган маҳсус таркибда ташкиил этилиб ҳокимят ваколатига эгалар [9].

Яна бир олим Ж.Нематов томонидан эса “Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуqlари бузилганлиги тўғрисидаги ариза (шикоят)ларни қўриб чиқиш тартиби” номли мақоласида сайлов комиссиясини маъмурий орган сифатида эътироф этилаётганини қўришимиз мумкин [10].

Ушбу фикр маъмурий органга берилган қўйидаги таъриф бўйича асосли ҳисобланади:

“Маъмурий органлар — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви

органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва маҳсус тузилган комиссиялар” [5].

Демак, сайлов комиссияси мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, очиқлик, тенглик, адолат ҳамда ҳалоллик тамойиллари асосида сайлов жараёнларини ташкил этиш ва ўтказишга масъул бўлган маъмурий орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 27-моддасида фуқароларнинг факатгина сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш орқали сайловга доир хукуқларини ҳимоя қилиш ўрнатилган. Бироқ сайловга доир оммавий низолар фақат бу билан чекланиб қолмайди. Демократик институтлар ва инсон хукуқлари бўйича бюро (OSCE) томонидан 2019 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Парламент сайловлари юзасидан ҳамда 2021 йил 24 октябрдаги Президент сайловлари юзасидан берган хулосасида ҳам фуқароларнинг сайловга доир хукуқлари суд томонидан етарлича ҳимояланмаслиги келтирилган [12]. Бу эса қонунчилигимизда бўшлиқ борлигини англашиб, уни такомиллаштириш зарурлигини билдиради.

Жаҳон тажрибасида кўплаб давлатлар ўз қонунчилигига фуқароларнинг сайлов хукуқларини судда ҳимоя қилишининг самарали механизмлари ўрнатилганини гувоҳи бўламиз. Улар жумласига Россия Федерацияси (Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида кодекс 1-моддаси 2-қисм 6-банди), Қирғизистон (Қирғизистон Республикасининг Маъмурий процессуал кодекси 201-модда), Қозогистон, Украинани (Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида кодекс 273-279-моддалари) келтириш мумкин. Уларда сайловга оид бир нечта оммавий низолар, ушбу низоларни кўриб чиқиш тартиби, уларнинг субъектлари, кўриб чиқиш муддати, процессуал харажатлар батафсил келтирилган. Миллий қонунчилигимизни ушбу давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш юқорида таъкидланган бўшлиқни тўлдириши мумкин.

Сайлов қонунчилигимиздан ҳар бир сайлов компанияси ўзининг алоҳида хусусияти, жумладан, предмети, субъекти, муддати қабиларга эга. Ушбу хусусиятлар фуқароларнинг сайлов хукуқларини судда ҳимоя қилиш жараёнида ҳам ҳисобга олиниши ва шунга мувофиқ равишда процессуал тартиб ўрнатилиши зарур.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг сайловга оид ҳукуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш миллий қонунчилигимизда мавжуд бўшликлар бартараф этиб, мазкур сиёсий ҳукуқларини рўёбга чиқаришни кафолатлайди. Негаки юқорида кўриб ўтканимиздек, қонунчилигимизда фуқаролар маъмурий судлар орқали фақатгина сайлов комиссиясининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари)га нисбатан шикоят қилиш ҳукуқига эга бўлиб, ушбу судларга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган бошқа оммавий муносабатлардан келиб чиқувчи ҳукуқларини ҳимоя қилишни истисно қиласди. Бу эса, ўз навбатида, Асосий қонунимизда кафолатланган судга шикоят қилиш ҳукуқимизни чеклаши мумкин [1].

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон; 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон
2. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси [26.06.2019]. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 31.05.2021 й., 03/21/691/0508-сон, 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон;
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси [01.04.2018]. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон, 17.09.2021 й., 03/21/716/0877-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни [31.05.2021]. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 31.05.2021 й., 03/21/691/0508-сон;
5. “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори 2-банди; “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 4-моддаси.
6. Суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг ахволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағищланган видеоселектор йиғилиши [13.06.2017, Тошкент шаҳри] // URL:[<https://president.uz/oz/lists/view/645>]

7. Ш.Мирзиёев. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – 108-бет.
8. Сайловни кузатувчилар халқаро миссиясининг 2021 йил 24 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президент сайловинатижасида берган дастлабки натижалар ва хуносалар тўғрисидаги баёноти // URL:[<https://www.osce.org/odihr/elections/uzbekistan/502203>]
9. Турғунов О.К.нинг “Ўзбекистон Респуббоҳликасида сайлов жараёнининг ташкилий-хуқуқий масалалри” номли ю.ф.н. олиш учун диссертацияси 52-бет.
10. Нематов Ж. Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов хуқуqlари бузилганлиги тўғрисидаги ариза (шикоят)ларни кўриб чиқиш тартиби//Yurisprudensiya/2021/2
11. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-status-izbiratelnyh-komissiy-na-primere-izbiratelnogo-zakonodatelstva-stran-sng/viewer>
12. <https://www.osce.org/odihr/elections/uzbekistan/502203>